



SOCIO-ECONOMIC PHENOMENA AND PROCESSES (SEPP)

PRINCIPLES OF FORMING A DIGITAL ECONOMY

Zuhra Maratdaevna Otagozieva

Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khorazmi, associate professor, candidate of economic sciences

zukhra.otakuzieva@rambler.ru

Ulugbek Nortojiev

Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khorazmi, 3rd year student

ulugbek.nortojiyev@mail.ru

Abstract: *This article talks about the main features of the digital economy presented in the theories of various scientists and researchers, the groups and stages of the development of the theories of the digital economy, the institutional-structural parts and mechanisms of the digital economy.*

Key words: *information theory, digital economy, information society, stages of development of theories of digital economy, institutional components of digital economy, mechanisms of digital economy, digital sector, digital transformation*

Кириш

Замонавий иқтисодий илм-фан ахборот технологияларидан ҳар томонлама фойдаланишнинг ҳозирги воқелигини акс эттирувчи янги парадигмани шакллантириш оstonасида турибди, унинг таъсири эса янги иқтисодий тизимнинг ташкил этилишига олиб келди. Юқорида қайд этилганидек, иқтисодий илм-фанда рақамли иқтисодиёт ҳақида умумэътироф этилган таъриф мавжуд эмас, турли олим ва тадқиқотчилар ўз тақлиф этган назарияларида рақамли иқтисодиётнинг белгиланган асосий хусусиятларини илгари сурганлар [1].

Бугунги кунда ахборот ролининг ортиб бориши ва ишлаб чиқаришда коммуникация технологияларининг жорий этилиши ахборотлашган жамият шаклланишига олиб келди, унинг асосини анъанавий моддий эмас, балки номоддий, интеллектуал ресурслар: билим, фан ва инсон капитали ташкил этади.

Ахборотнинг дастлабки илмий-тадқиқотлари 1940 йилдан, янги шаклланаётган фан — кибернетиканинг доирасида бошланди. К. Шеннон [2] алоқа назариясига оид ўзининг тадқиқотларида унинг миқдорий ва техник хусусиятларини таҳлил қилиш билан чекланса-да, ахборот назариясини ишлаб чиқишнинг асосини яратди. Н. Винер “ахборот” категориясининг илмий таърифини берди [3], уни хусусий эмас, балки умумий илмий тушунча сифатида таърифлади. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу технократик ёндашув ахборотни тадқиқ қилишда ҳали ҳам ҳукмронлик қилади ва бу эса унинг муҳим мазмун хусусиятларини торайтиради ҳамда ижтимоий тараққиётдаги ролини баҳолайди. Маълум даражада бу чегараланиш замонавий ахборот назариясида унинг талқинига оид турли илмий ёндашувлардан фойдаланиш орқали бартараф этилади.

Олимлар иқтисодиётнинг янги тури пайдо бўлишини ахборот жамияти тушунчаси билан бевосита боғлайдилар. Ахборот жамиятининг моҳиятини белгилашга доир учта ёндашув мавжуд бўлиб, у ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишида ахборот (моддий бўлмаган) сектори билан боғлиқдир. Америкалик тадқиқотчилар Ф. Махлуп [4], М. Порат, Д. Белл [5] ва бошқалар шу нуқтаи назарияни ёқлайдилар.

Иккинчи ёндашув “ахборот портлаши” назариясига асосланган бўлиб, унга кўра, жамият учун мавжуд бўлган ахборот миқдори ортади, бу эса иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан ўзгаришига – ахборот жамияти пайдо бўлишига олиб келади. Ёндашув асосан япон олимлари Т. Умесао [6], Ю. Хаяши [7], Ю. Ито асарларида асослаб берилган ва оз даражада Ғарбда маълум. Учинчи ёндашувда ахборот жамиятининг асосий характеристикаси АКТ тарқалиши бўлиб ҳисобланади, у Европа иқтисодчилари Э.С. Дафф, С. Нор и А. Минк [8] назарияларида ривожлантирилади. Тадқиқотчилар Стейнфилд ва Сальваджио [9] 1989 йилда юқоридаги ёндашувларни бирлаштирувчи “синтетик назариялар” алоҳида гуруҳини ажратиб бердилар. Эътиборлиси шуки, ахборот жамиятининг фундаментал таърифи ҳар учала ёндашувни акс эттириши лозим.

Иқтисодиётнинг янги тури категорияси 1976 йилда америкалик иқтисодчи М. Порат томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, у бир йил ўтиб, унинг асосий муаммоларини таҳлил қилди [10]. Иқтисодиётнинг ушбу тури асосий характеристикаси иқтисодиётда ҳукм сураётган ахборот тармоқларининг устунлиги бўлди [11]. 1996-1998 йилларда “Ахборот асри: иқтисодиёт, жамият ва маданият” уч жилдли монографияни чоп

этган испан-америкалик иқтисодчи М. Кастельс туфайли рақамли иқтисод атамаси кенг муомалага кирди.

Ғарб экспертлари “АҚШда билимларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш” ҳамда “Ахборот ва инсон капитали иқтисодиёти” [12] номли икки фундаментал асар муаллифи Фриц Махлупни янги иқтисодиёт тури назарияси асосчиларидан бири деб ҳисоблайдилар. Ўтган аср 60-йилларида Махлуп келажакда АҚШ ва ундан кейин эса бошқа мамлакатлар иқтисодий ривожланишида асосий ва белгиловчи халқ хўжалиги тармоғи бўлиб таълим ва ахборотларни ишлаб чиқариш эканлигини исботлаб берди. Махлуп томонидан ифодаланган иқтисодий ривожланишнинг бевосита истиқболлари ҳақидаги фикр, тахмин ва фаразларнинг бир бутунлиги Ғарб олимларининг бу соҳадаги кейинги изланишлари учун асос яратди.

Умуман, янги турдаги иқтисодиётнинг мазмунли таҳлили М. Порат, Д. Белл, У. Дайзард, М. Кастельс, М. Коннорз, У. Мартин, А. Норман [13, 14,15,1,16] каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида олиб борилди. Энг аввало, бу Д. Беллнинг “Ахборотлашган иқтисодиёт” ҳақидаги назарияси бўлиб, у кейинчалик Мануэль Кастельснинг [17] “тармоқ жамияти” (ёки “Тармоқ иқтисодиёти”) тушунчасига айлантирилди. Ахборотлашган иқтисодиёт бўйича тадқиқотчилар, (Д. Белл, Т. Стоуньер, В.Л. Иноземцев ва бошқалар) технологик мезонни асосий, лекин шу билан бирга, ягона бўлмаган мезон сифатида ажратадилар.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт назарияларининг 4 гуруҳини ва ҳар бир гуруҳга тегишли муаллифларни шартли равишда қуйидагича ажратиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Рақамли иқтисодиёт назарияларининг 4 гуруҳи¹

№	Рақамли иқтисодиёт назариялари	Назариялар муаллифлари
1.	Халқаро ахборотни алмашиш назарияси	М. Маклюэн (1962 й.), З. Бжезинский (1970 й.), Э. Тоффлер (1980й.), И.Мелюхин (1997 й.) ва бошқалар
2.	Тармоқ иқтисодиёт назарияси	(М.Кастельс (2000 й. – ҳ.в.)
3.	Билимлар иқтисодиёти назарияси	П.Дракер (1999–ҳ.в.), ЮНЕСКО (2005 – ҳ.в.)
4.	Рақамли иқтисодиёт назарияси	Тапскотт, Н. Негропонт, Э.Бриньольфссон, Б. Кахин, Б. Йоханссон, Ч. Карлссон, Р. Стоу ((2000 й. – ҳ. в.)

Тадқиқотчи М. Маклюэн “Электрон жамият” ғоясини илгари суради. М. Маклюэн цивилизация ривожланиши босқичида электр катта роль ўйнади, деб ҳисоблайди. У бутун дунёдаги одамларни бир лаҳзада боғлайди, кун ва тун ўртасидаги чегарани олиб ташлайди

¹ Тадқиқотлар материаллари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

ва дунёни бир “глобал қишлоқ”га айлантиради. Е. Тоффлер “Учинчи тўлқин” [18] деб номланган ишида цивилизация тарихида уч тўлқинни ажратиб кўрсатади, бунда учинчи – пост – ёки супериндустриал (ўтган аср 50-йилларидан бошлаб) тўлқин ҳисобланади.

Шу билан бирга, у бирор мартта ҳам “ахборотлашган (ёки пост-индустриал) жамият”га бевосита таъриф бермаган. У “цивилизация кодини қайта кўриб чиқиш” орқали таърифни тавсифлаб беради. Ахборотлашган жамиятда қуйидаги тамойиллар ишлайди (индивидуаллаштириш, деихтисослашув, десинхронлашув, катта ва кичикларни оптимал бирлаштириш, деурбанизация). М. Кастельс [13] концепциясига кўра, сўнгги ўн йилликларда дунёда “информационал ва глобал” деб ном олган янги иқтисодиёт тури пайдо бўлди. Кастельснинг асосий хулосаси шуки, информационализм даврида иқтисодиётнинг мавжудлиги фақат иқтисодий агентларни боғловчи глобал тармоқ мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади. Буларнинг барчаси тармоқ жамияти шаклланишига олиб келади, чунки “у вақт ва маконни кесадиган глобал оқимларда виртуаллик маданиятини шакллантирувчи ишлаб чиқариш, куч ва тажриба тармоқлари томонидан яратилади”. П. Дракер, билимлар жамиятининг шаклланиши бугунги кунда билимнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ресурсга айланиши ва ҳар қандай билим эмас, балки биринчи навбатда, “билимлар ишчиси” кўтарилиши билан боғлиқ бўлган билимлар билан боғлиқлигини таъкидлайди.

“Билимларга асосланган жамият” концепциясининг ишлаб чиқилишида ЮНЕСКО алоҳида ҳисса қўшди. ЮНЕСКОнинг “Билимлар жамияти сари” деб номланган ва 2005 йилда нашр этилган бутунжаҳон ҳисоботида таъкидланишича [19], дунёда умумий кириш тармоғи сифатида янги технологиялар тарқалиши ва интернет пайдо бўлиши умумий макон ва билимларни кенгайтириш учун янги имкониятлар бермоқда; жамиятда билимлар ўрнини тубдан ўзгартирди. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, рақамли иқтисодиёт – бу шундай шарт-шароитга асосланган иқтисодиётки, бунда ахборот нафақат ижтимоий ва иқтисодий кадр-қимматга эга бўлади, балки ахборот айирбошланиши мумкин бўлган ахборот бозорини талаб қилади. Бунда гап ушбу бозор иштирокчилари олиши мумкин бўлган даромад ҳақида бормоқда. Ҳар бир муайян мамлакатда рақамли иқтисодиёт индивидуал равишда шаклланиб, глобал шаклланиш характерига эга бўлади. Шунинг учун рақамли иқтисодиёт тушунчаси жуда мураккаб ва “actlocally-global ўйлайман”ни билдиради. Рақамли иқтисодиётнинг икки асосий таркибий қисми мавжуд: 1) “ахборот”нинг ҳозирги ривожланиш муҳитидаги ролини тўғри тушуниш, чунки “ахборот иқтисодиёти” тушунчаси “ахборот” тушунчасига нисбатан иккинчи даражали; 2) мамлакатнинг амалдаги рақамли иқтисодиётини шакллантириш учун асос бўлиб, тўлақонли ахборот бозорининг мавжудлиги ҳисобланади.

Массачусет технология институти (МТИ) да информатика мутахассиси ва медиа лабораториясининг асосчиси Николас Негропonte рақамли иқтисодиёт асосий тамойилларини шакллантирган замонавий олимлардан бири ҳисобланади. 1995 йилда у классик маҳсулотлар (оғирлиги, хом ашё, транспорт) камчиликлари ва рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари (товарлар оғирлигининг йўқлиги, виртуаллик, деярли кераксиз хом ашё, тезкор глобал ҳаракати) ни қайд этди [20].

Рақамли иқтисодиёт концептуал бир бутунлиги шаклланиши унинг умумий назариясининг уч асосий босқичини ажратиб кўрсатиш имконини беради (2-жадвал).

2-жадвал

Рақамли иқтисодиёт назарияси ривожланишининг уч асосий босқичи²


№	Даврий босқич	Рақамли иқтисодиёт назарияси ривожланишининг йўналишлари	Ҳисса қўшган олимлар
1.	1960 – 1970 йиллар	Рақамли иқтисодиёт назариясининг туғилиши, энг аввало, тўпланган амалдаги материални тушуниш, ушбу жараёни ривожланишида қонуният ва тенденцияларни аниқлаш асосида шаклланган постиндустриал жамияти назарияларидир	Ф.Махлуп, Л. Кляйнрокк, М. Порат ва бошқалар
2.	1980-2000 йиллар	Рақамли иқтисодиёт назарияси асосий қоидаларини шакллантиришга ҳисса қўшган илғор мамлакатлар иқтисодиётининг жадал ахборотлаштирилиши даври	Х. Дордик, Дж. Ванг, Р. Катц, В. Масуда, Дж. Стиглер, Т. Стоуньер, К. Эрроу ва бошқалар
3.	2000 йилдан ҳ.в.	Рақамли иқтисодиёт назариясини унинг билимлар иқтисодиёти билан боғлиқликда ва “Интернет буюмлар”(Internet of Things), электрон иштирок этиш ва краудсорсингнинг жадал суръатларда ривожланиши асосида янги бизнес моделларини шакллантириш амалиётини концептуал умумлаштириш йўналишида ривожлантириш	Д. Белл, М. Кастельс, М. Коннорз, У. Мартин, А. Норман, Д. Тапскотта, Н. Негропonte, Э. Бриньольфссон, Б. Кахин, Б. Йоханссон, Ч. Карлссон, Р. Стоу ва бошқ.

Бундан ташқари, янги турдаги иқтисодиёт назариялари ва уларни вақт мезони бўйича таснифлаш таҳлили янги турдаги иқтисодиёт умумий институционал-иқтисодий назариясининг айрим асосий қоидаларини аниқлашга имкон беради. Аввало, иқтисодиётнинг янги тури учун технологик асос оммавий институционал амалиётларни шакллантириш, яъни АКТдан фойдаланиш учун одатий бўлмаган ҳаракатларни типиклаштириш ҳисобланади. Глобал корпоратив тармоқ замонавий компаниянинг алоқа пойдеворига ва бизнес операцияларини қўллаб-қувватловчи ва оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берувчи ахборотни етказиб беришнинг асосий

² Тадқиқотлар материаллари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

каналига айланади. Иқтисодиётнинг янги тури самарадорлигини ошириш учун унинг шароитларига мос келадиган инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш керак, бу глобал интернет тармоғининг янги иқтисодиёт турини шакллантиришнинг объектив шартли сифатида ривожланишини тақозо этади. Тўртинчи технологик тартибга мос келадиган саноат иқтисодиёти ахборотлашган иқтисодиётга айланади (бешинчи технологик тартиб), бунда тегишли механизм ва технологиялар — ахборот-коммуникация инфратузилмаси, ахборот ишлаб чиқариш ва билимлар – ҳукмрон позицияларни эгаллаш бошлайди, натижада иқтисодиёт, биринчи навбатда, ривожланган мамлакатлар жаҳон бозорида динамик, инновацион ва рақобатбардош бўлади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, рақамли иқтисодиётнинг институционал – таркибий қисмларини (умумий савдо таркибида электрон тижоратнинг улуши, давлат умумий хизмат кўрсатиш ҳажмида электрон хизматлар улуши, бандлик умумий таркибида фрилансерлар улуши ва бошқалар) солиштирма оғирлигини ҳисобга оладиган ёндашув самарали ҳисобланади.

Бундай технологик муносабатлар рақамли иқтисодиётнинг асосий компонентларини ўзаро боғланишида муҳим аҳамият касб этади (1-расм) ва иқтисодиётни янги (нео) қирраларини очиб беради.



1-расм. Рақамли иқтисодиёт ривожланишида унинг институционал таркибий қисмлари муносабатлари тизими³

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда, рақамли иқтисодиёт шаклланишида қуйидаги *механизмлар*ни ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади: қонунлар, қонуности ҳужжатлар; давлат органлари, ташкилотлар, вазирлик ва идоралар;

³ Тадқиқотлар материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бозор механизми (ахборот бозори); тадбиркорлик; сервис; инновация; блокчейн; коммуникациялар. Рақамли иқтисодиётнинг асосий *таркибий қисмлар (элементлар)*ига: электрон ҳукумат; электрон тижорат; электрон бандлик; технологик инфратузилма; рақамли жараёнлар – бизнесни муваффақиятли олиб боришини таъминловчи жараёнлар (электрон банклар, электрон тўловлар, интернет орқали реклама, электрон валюта)ни киритиш мумкин. Ўз навбатида, рақамли иқтисодиётнинг таркибий элементлари ва механизмларини ўзаро мутаносиб ҳолда боғланишини рақамли иқтисодиёт тузилишининг концептуал модели орқали кўриш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт, айниқса ривожланаётган мамлакатларда тез суръатларда ўсиб бормоқда. Шунга қарамай, рақамли иқтисодиётнинг маъноси ва кўрсаткичлари чекланган бўлиб, унинг таърифини ишлаб чиқиш ва баҳолаш учун кўплаб назарий ва амалий билим ва тажрибаларни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, олиб борилган тадқиқотлар ва олинган натижалар асосида рақамли иқтисодиётнинг учта бир бирига боғлиқ жиҳатларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- рақамли иқтисодиётнинг асосини “рақамли сектор” ташкил этади: рақамли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи ахборот технологиялари, АКТ сектори;
- ҳақиқий “рақамли иқтисодиёт” - рақамли товарлар ёки хизматларга асосланган бизнес моделига эга бўлган ёки фақат рақамли технологиялардан олинган иқтисодий маҳсулотнинг бир қисми деб таърифланган - рақамли сектор ва янги пайдо бўлаётган рақамли ва платформавий хизматлардан иборат;
- энг кенг қўламлиги эса - барча иқтисодий соҳаларда АКТдан фойдаланиш - бу тузилма айтиш “рақамлашган иқтисодиёт” деб юритилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Otakuziyeva Z. M. Forming and development of information economy in Uzbekistan. American Scientific Journal № 1 (9) / 2017, Elmhurst AV, Queens, NY, United States.-p.82-86.
2. Шеннон К. Работы по теории информации и кибернетике. М.: Издательство иностранной литературы, 1963. С. 667–668.
3. Wiener N. Homeostasis in the Individual and Society // Journal of the Franklin Institute. 1951. Vol. 251. P. 65–68.
4. Machlup, F. The Production and Distribution of Knowledge in the United States [Текст] / F. Machlup. – New Jersey: Princeton University Press, 1962. – 283 p.
5. Белл, Д. Социальные рамки информационного общества [Текст] / Д. Белл. – М.: Экономика, 2004. – 308 с.
6. Hosono Asahi. Joho sangyoron. Information Industry Theory: Dawn of the Coming Era of the Ectodermal Industry [Текст] / Hosono Asahi, Umesao Tadao – Tokyo.: VP, 1963, 156 p.
7. Hayashi Yujiro. Johokashakai: Hadonashakaikarasofutonashakai [Текст] / H. Yujiro. – Токио.: Feo, 1969. – 189 p.

8. Nora, S. L'Informatisation de la Sociйтй [Текст] / S. Nora. – Paris.: L'Independence, 1978. – 298 p.
9. Steinfeld, C. Toward a definition of the information society [Текст] / C. Steinfeld, J.L. Salvaggio // The Information Society: Economic, Social and Structural Issues. – NJ.: Hillsdale, 1989. – 120 p.
10. Porat V. The Information Economy Definition and Measurement. Washington DC: US Dept of Commerce, 1977.P. 240.
11. Локалов А.А. Инновационная экономика и новая экономика: соотношение процессов и понятий.//Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета.-Саратов, 2013.-№1.-С.130-136.[Электронный ресурс]. URL.:<http://elibrary.ru/download/97972695.pdf>. (Дата обращения 1.09.2020).
12. Machlup, F. The Production and Distribution of Knowledge in the United States [Текст] / F. Machlup. – New Jersey: Princeton University Press, 1962. – 283 p.
13. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / [Пер. с англ., под науч. ред. О.И. Шкаратана]. – М.: ГУВШЭ, 2000.- 608 с.
14. Корнейчук Б. В. Информационная экономика: учебное пособие. – СПб. : Питер, 2006. – 400 с.
15. Центр развития системы «Электронное правительство». [Электронный ресурс]. URL: <http://reestr.uz/catalog/gis>. (Дата обращения 5.04. 2020).
16. Тагаров Б.Ж. Современные подходы к определению критериев информационной экономики.//Baikal research journal. Иркутск. 2012. №4.С.3. [Электронный ресурс]. URL:<http://elibrary.ru/download/30837991.pdf>. (Дата обращения 1.09.2020г.).
17. В.Апалькова. Развитие цифровой экономики в Европейском союзе и перспективы Украины. Сайт International Centre for Trade and Sustainable Development.
18. Э.Тоффлер. Третья волна. - М.: ООО «Фирма «Издательство АСТ», 2004.-С.800.
19. UNESCO. 2005. Towards knowledge societies. UNESCO Publishing, 2005.P. 19-20.
20. Neogronte, N.(1995)Being Digital Knopf (Paper edition 1996, Vintage Books).